

ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ҲАРАКАТИ ЁКИ УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗИШ ЖИНОЯТИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА ЭКСПЕРИМЕНТ ЎТКАЗИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Сайдазимов Миржалол Норжигитович

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси
мустақил изланувчиси

Ёқубова Баҳринисо Дилшод қизи

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси
3-босқич курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11147526>

Аннотация: ушбу мақолада Йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ жиноятларда эксперимент тергов ҳаракатини ўтказишнинг процессуал тартиби, асослари, ҳаракатлар кетма-кетлигини амалга ошириш билан боғлиқ, ушбу тергов ҳаракатида юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатлар, суриштирувчи терговчилар томонидан эксперимент тергов ҳаракатини ўтказиш вақтида амал қилиши мумкин бўлган тавсиялар ёритилган.

Калит сўзлар: тергов ҳаракати, экспертмент, гувоҳ, жабрланувчи, қонуний вакил, кетма-кетлик, йўл транспорти.

Жиноят содир этилган шароитни тиклашнинг ҳукукий асослари-ни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Жиноят-процес-суал кодекси ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларининг асосий кафолатлари булган ҳукукий қоидалар уз аксини топган.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида мамлакатимиз ҳудудида жиноят ишларини юритишнинг асосий принциплари, қоидалари, тартиби ва жиноят ишлари бўйича иш юритувига жалб килинган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш талаблари қайд этилган.

Жиноят содир этилган шароитни тиклашнинг энг муҳим элементлари унинг асослари ҳисобланади, яъни улар ҳаракатнинг мақсадини, ахборот олиниши мумкин булган маибалар доирасини ва уни олиш (мақсадга эришиш) имконияти тўғрисидаги ҳулосалар учун зарур маълумотлар ҳажмини белгиловчи кўрсатмалар мажмуасини ташкил қилади.

Терговчининг тегишли ҳаракатларни қилиш-қилмасликка дойр қарори, шунингдек, тергов ҳаракатини тугри танлаш ушбу курсатма-ларнинг аниқлигига боғлиқ. Қабул қилинган қарорларнинг асосланганлиги, ўз навбатида, дастлабки тергов ҳаракатларининг муҳим омили ва шахс дахлизлигига дойр конституциявий талабларнинг, фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолати булиб хизмат қилади.

Йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда экспериментни ўтказишнинг асослари амалдаги жиноят-процессуал қонунчиликда ифодаланган. Ҳар қандай тергов ҳаракатининг ички тузилиши ҳукукий шаклдаги тадқиқот ва билиш операцияларидан иборат мураккаб ҳусусиятга эга.

Йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда эксперимент ўтказишнинг ҳукукий негизлари ва ҳукукий асослари илмий адабиётларда тўлиқ урганилмаган. Асос деганда мазкур тергов ҳаракатини амалга оширишнинг зарурлиги

ва мумкинлигидан далолат берувчи жихатларини тушуниш керак.¹

Эксперимент ўтказишнинг зарурлиги муайян хатти-ҳаракатларни, муайян шароитларда ва муайян тарзда амалга ошириш мумкинлигига (кандайдир ходиса, воқеанинг имконияти) шубҳа туғдирадиган жихатлар билан белгиланади.

Муайян хатти-ҳаракатлар ёки воқеаларнинг бўлиши учун шарт-шароит яратишга, шунингдек, текширилаётган хатти ҳаракатларнинг (воқеа-ходисаларнинг) бўлишига имконияти борлигини тасдиқловчи жихатлар йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда эксперимент ўтказиш мумкинлиги тўғрисида хулоса қилишга имкон беради.

Йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда эксперимент бошқа тергов ҳаракатларига караганда кўпроқ иштирокчиларни жалб этишни, зарур материаллар ва реквизитларни танлаб олишни, турли вариантларда кўп маротаба тажрибалар ўтказишни талаб этади. Аммо, эришилган натижалар ҳар доим ҳам қатъий хулосага келишга имкон бермайди.

Терговчи буларнинг ҳаммасини эксперимент ўтказиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш вақтида ҳисобга олиши шарт. Шу боис, иш учун аҳамиятли маълумотлар оддийроқ усуллар билан, бошқа тергов ҳаракатлари ёрдамида аниқланиши мумкин бўлса, энг аввало, ана шу усул ва ҳаракатлардан фойдаланган маъқул.

Суриштирувчи, терговчи ёки суд экспериментни ўтказиш тўғрисида тактик қарор қабул қилиб, бу тергов ҳаракатида иштирок этиш учун кимни жалб қилишни, тажрибалар мазмунини, уларни ўтказиш шароитлари ва тартибини, эксперимент ўтказиш учун тайёргарлик кўриш ва ташкилий чоралар йиғиндисини ҳал этади. Ўғрилиқда эксперимент жараёнига бошчилик қилиб, тегишли баённомани расмийлаштиради.

Экспериментнинг мажбурий катнашчилари ҳолислар ҳисобланади. Тажрибаларнинг мазмунига қараб, уларнинг мураккаблигига назар солиб, ҳолисларнинг сони кўпайиши мумкин. Зарур ҳолатларда терговчи ходисалар сифатида маълум мутахассислик соҳасига эга шахсларни таклиф қилиши мумкин.

Бундай шахслар тергов ҳаракатини ўтказишда жиноят иши бўйича муҳим бўлган ҳолатларни янада тавсифлашга, маълум ҳаракатлари очикдан-очик амалга ошириш мумкинми ёки йўқлигига ишонч ҳосил қилишга ва кўрсатмалар берилган фактлар ҳақиқатдан ҳам воқелиқда бўлган ёки бўлмаганлигига ишонч ҳосил қилишлари мумкин.

Бир қатор ҳолатларда, масалан, гумонланувчининг маълум мутахассислик кўникмалари борлиги ёки йўқлигини текширишда, воқеа жойини тиклаш мақсадида ўтказилган тажрибаларни амалга ошириш учун шароитларни тиклаш бўйича ўтказилганда бундай шахсларнинг иштирокисиз тергов ҳаракатини ўтказиб бўлмаслиги мумкин.

Мутахассис терговчига тажрибаларни ташкил этишда зарурий материалларни, восита ва реквизитларни танлашда ёрдам бериши, терговчининг топшириғи бўйича кино, видеога олиши, қонуний вакиллар эса терговчига вояга етмаган гувоҳ, билан руҳий

¹Миразов Д.М. Жиноят содир этиш шароит ва ҳолатларини тиклаш – жиноят иши бўйича далилларнинг муқим манбаи – Т., 1997. Б.14

алока ўрнатишга (вояга етмаган жабрланувчи билан ҳам шундай алокани ўрнатишда) ёрдам бериши мумкин.

Агар бу жинойтлар бўйича эксперимент тергов ҳаракатини гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчининг ўрнига бошқа шахсларни жалб этиш тўғри келиб колса, у холда бу шахсларнинг ўзига хос хусусиятлари (яъни ёши, вазни, кўриш қобилияти, эшитиш қобилияти бўйича ва х.к.) юкоридаги катнашчилардан фарк қилмаслиги лозим.

Йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ жинойтларни тергов қилишда эксперимент ўтказиш учун жиддий тайёргарликни талаб килади. Бу тайёргарлик икки босқичдан иборат бўлади.

Биринчи босқич, экспериментнинг мақсадини белгилаш, уни амалга оширишнинг асослари ва шароитлари, ҳолатни воқеликда жиноят содир бўлишидан олдинги ҳолатга келтириш (тиклаш) имкониятини ўз ичига олади. Зарур ҳолатларда терговчи мутахассислар билан маслахатлашади, махсус адабиётларни ўрганади, тегишли ҳужжатлар билан танишади, таж-риба ўтказиш учун техник воситалар ва бошқа керакли предметларни тайёрлайди. Бу босқичнинг муҳим элементи ўтказилиш жойи ва вақтини аниқлаб олиш ҳисобланади.

Иккинчи босқичда терговчи ҳодиса жойида ўзгариш бўлган бўлмаганлигини текширади ва шунга асосан уни тиклаш зарурлигини аниқлайди

Амалдаги қонунчилигимиз бўйича эксперимент ўтказишнинг процессуал ва тактик шароитлари сифатида куйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- эксперимент ўтказиш тўғрисида қарор, ажрим чиқариш;
- экспериментни ташкил этувчи ва ўтазувчи шахснинг, шунингдек, холисларнинг иштирок этиши;
- ваколатли мансабдор шахс томонидан таклиф этиш зарур деб топиладиган шахсларнинг иштирок этиши;
- жамоат тартиби ёки ахлоқ нормалари бузилишига йўл қўйилмаслиги;
- текширилаётган ҳаракатлар юз берган шароитларга иложи борица ўхшаш шароитларда ўтказилиши;
- ҳақиқатда мавжуд бўлган ҳаракатларга иложи борица ўхшаш тажрибавий ҳаракатларни амалга ошириш;
- ўтказилиш тартиби ва кетма-кетлигини аниқлаш;
- баённома расмийлаштириш.

Йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ жинойтларни тергов қилишда эксперимент ўтказишнинг ана шу процессуал ва тактик ҳаракатларини батафсил кўриб чиқамиз.

Эксперимент ўтказиш тўғрисида қарор ёки ажрим чиқариш. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 154-моддасида суриштирувчи, терговчининг қарори ёки суднинг ажрими бўйича эксперимент ўтказилиш тўғрисида баён этилган.

Агар эксперимент фуқароларга, ташкилотларга мулкӣ зиён етказилишига, ишлаб чиқариш режими, транспорт воситалари ҳаракати жадвалининг ўзгаришига бошқа нокулай оқибатларга олиб келиши эҳтимоли бўлса, суриштирувчи, терговчининг қарорига прокурорнинг санкциясини олиш керак бўлади.

Экспериментни ташкил этувчи ва ўтазувчи шахснинг, шунингдек, холисларнинг иштирок этиши. Терговчи ушбу тергов ҳаракатини амалга ошириш жараёнида

холисларнинг роли ўзлари катнашган ҳаракатларнинг бўлганлигини, мазмуни ва натижаларини тасдиқлашдан иборат.

Холис ҳаракатларни ўтказиш юзасидан фикр мулоҳаза билдиришга ҳақли. Холисларнинг мулоҳазалари ушбу тергов ҳаракати баённомасида қайд этилиши керак.

Ваколатли мансабдор шахс томонидан таклиф этиш зарур деб топиладиган шахсларнинг иштирок этиши. Ваколатли мансабдор шахс айбланувчи, гумон қилинувчи, иштироки ҳақиқатни аниқлаш учун зарур деб ҳисобласа, гувоҳни ҳам жабрланувчини ҳам жалб қилиши мумкин.

Йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ жиноятларда эксперимент ўтказишда, шунингдек, педагог ҳамда вояга етмаган гувоҳнинг, жабрланувчининг қонуний вакиллари ҳам иштирок этиши мумкин.

Жамоат тартиби ёки ахлоқ нормалари бузилишига йўл қўйилмаслиги. Эксперимент тергов ҳаракатини ўтказиш давомида жамоат тартиби ва ахлоқ қоидалари бузилмаслиги лозим. Агарда бузиладиган бўлса, қонунларнинг бузилишига йўл қўйилиши мумкин.

Текширилаётган ҳаракатлар юз берган шароитларга иложи борица ўхшаш шароитларда ўтказилиши. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 153-моддаси 1-қисмига мувофиқ, эксперимент аниқланаётган ҳодиса ҳаракатлари, шароитлари ёки бошқа жиҳатларини тиклаш йўли билан ўтказилади. Текширилаётган ҳаракатлар (воқеалар) юз берган шароитларга иложи борица ўхшаш шароитларда ўтказилиши, олинadиган натижалар тўғрилигининг муҳим қафолатидир.

Ҳақиқатда мавжуд бўлган ҳаракатларга иложи борица ўхшаш тажрибавий ҳаракатларни амалга ошириш. Амалга оширилаётган ҳаракатларнинг текширилаётган ҳаракатларга иложи борица ўхшаш бўлишига, хусусан, уларнинг текширилаётган ҳаракатлар содир этилган жойнинг ўзида, амалда фойдаланилган нарсалар билан бажарилиши орқали эришилади.

Албатта, амалда ишлатилган нарсаларнинг айнан ўзидан фойдаланган маъқулроқ. Бироқ, уларни экспертизага юбориш зарур бўлиб қолиши эҳтимолдан йироқ эмас. Бундай нарсалардан фойдаланиш уларнинг қўриниши ва шаклини ўзгартириш, экспертнинг ҳулосаларига таъсир этиши мумкин. Бундай вазиятларда ҳақиқий нарсаларни ўхшаши билан алмаштирган маъқул.

Ўтказилиш тартиби ва кетма-кетлигини аниқлаш. Эксперимент ўтказишдан аввал муайян шахснинг қўрсатмаларидан келиб чиқиб, текширилиши керак бўлган ҳаракатларнинг кетма-кетлигини ва ишни режалаштириш зарур ҳисобланади. Эксперимент давомида олинган маълумотлар ҳақиқатда бўлган кетма-кетликка, изчилликка риоя этилгандагина самарали бўлади.

Баённома расмийлаштириш. Эксперимент баённомаси иш учун муҳим бўлган ҳақиқий далилларни мустаҳкамлаш усули бўлиб, далилий аҳамиятга эга ҳисобланади. Йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ жиноятларда эксперимент тергов ҳаракатида амалга оширилган барча ҳолатлар баённомада расмийлаштирилади

Ҳулоса ўрнида шунини айтиш керакки, йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ жиноятларда эксперимент тергов ҳаракатига ваколатли мансабдор шахс қанчалик пухта тайёгарлик қўрса, ушбу тергов ҳаракатини ўтказиш янада ижобий натижа беради ҳамда келгусида шахсга нисбатан айблов эълон қилишда муҳим аҳамият касб

этиши мумкин.

References:

1. Б.Б.Муродов. Жиноят-процессуал қонун нормаларини эркинлаштириш йўллари // Олий юридик ўқув юртларида инсон ҳуқуқлари муҳофазасини таъминловчи фанларнинг ўқитишнинг замонавий муаммолари. Тошкент. Ўзбекистон Миллий университети ҳуқуқшунослик факультети. – 2009. Б. 66-69.
2. Б.Б.Муродов. Жиноят-процессуал муносабатларда ҳимоячининг иштироки // “Адвокатлик фаолияти: назария ва амалиёт масалалари” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. ЎЗР Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти. – Тошкент, 2010. Б. 171-175.
3. Б.Б.Муродов. Хусусий айблов институтини қўллаш самарадорлигини ошириш йўллари // Хусусий айблов ва ярашув институтларини такомиллаштириш чоралари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015 й. Б. 34-40.
4. Б.Б.Муродов. “Жиноятларни тергов қилиш методикаси” фанидан ўқув дастури. Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. Б.24
5. Б.Б.Муродов. Предварительное следствие в органах внутренних дел. Учебник. Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2014. 395 Б.
6. Ш.Ш.Суюнов. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларни квалификация қилишнинг муҳим жиҳатлари. “Талқин ва тадқиқотлар” Республика илмий-услубий журнали 10-сони. 01.10.2022 йил Б. 105-109.
7. Ш.Ш.Суюнов. Kompyuter texnika vositalari orqali sodir etilgan firibgarlik jinoyati turlari. “Замонавий дунёда педагогика ва психология” номли Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi. 9.06.2023 йил <https://doi.org/10.5281/zenodo.8019653> Б. 45-48.
8. Ш.Ш.Суюнов. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракатининг жиноят содир этган шахсларни аниқлаш ҳамда уларнинг айбини исботлашдаги аҳамияти. “Замонавий дунёда педагогика ва психология” номли Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi. <https://doi.org/10.5281/zenodo.8019766> Б. 60-62.
9. Ш.Ш.Суюнов. Some aspects of qualifying drug-related crimes. Корея Республикасининг “Digital Fashion Conference” журнали 5.10.2022 йил Б. 13-15
10. А.Т.Аширбоев. Айбланувчининг қаерда эканлиги номаълум бўлган ҳолларда жиноят ишини тўхтатишнинг назарий ва амалий жиҳатлари. Жамият ва инновациялар № 1 (2024).– 2024. – 314-320 б.
11. А.Т.Аширбоев. Жиноят ишини тўхтатиш тушунчаси ва аҳамияти. Эксперт-криминалистик фаолият: истиқболлар ва инновациялар мавзусидаги халқаро конференция материллари тўплами. Т., Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси, 2023. – Б. 381-388.
12. А.Т.Аширбоев. Айбланувчининг иштирокини таъминлаш имкони бўлмаган тақдирда дастлабки терговни тўхтатиш: Назария ва амалиёт. Ўзбекистон Республикаси

Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг Ахборотномаси № 1 (2024).– 2024. – 95-98 б.

13. А.Й.Абдуллаев. Гувоҳнинг ёки жабрланувчининг бида туриб ёлғон кўрсатув бериши жиноятларини содир этиш изларининг юзага келиш механизмларининг ўзига хос жиҳатлари. Сиёсатшунослик, ҳуқуқ ва халқаро муносабатлар журнаи. 2023 йил.

14. А.Й.Абдуллаев. Гувоҳнинг бида туриб ёлғон кўрсатув бериши сабаблари. Евразийский журнал права, финансов и прикладных. 2023 г.

15. А.Й.Абдуллаев. Гувоҳ ва жабрланувчини сўроқ қилишнинг тактик жиҳатлари. Евразийский журнал права, финансов и прикладных. 2022 г.

16. А.Й.Абдуллаев. Транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш жиноятининг сабаблари ва уни содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар (Хоразм вилояти мисолида). Евразийский журнал права, финансов и прикладных. 2023 г.